

Жаннатдаги барча нарса абадий, эскирмайди, йўқ бўлмайди, тугамайди



09:30 / 10.05.2021 2280

Абу Саид ва Абу Ҳурайра розияллоху анхумдан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Нидо қилгувчи: «Албатта, сизлар соғ бўласиз, ҳеч қачон касал бўлмайсиз, албатта, сизлар абадийсиз, ҳеч қачон ўлмайсиз, албатта, сизлар ёшсиз, ҳеч қачон қаримайсиз, албатта, сизлар неъматдасиз, ҳеч қачон маҳрум бўлмайсиз», деб нидо қилади. Бу ҳақда Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи бор: **«Уларга: «Қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир», деб нидо қилинур»** (Аъроф сураси, 43-оят).

Абу Ҳурайра розияллоху анхумдан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Ким жаннатга кирса неъматланади, маҳрум бўлмайди, кийими эскирмайди, қаримайди». Дарҳақиқат, ҳурларнинг: «Бизлар абадиймиз, ҳалок бўлмаймиз», деган сўзлари юқорида ўтди.

«Жаннат васфи» Имоми Қуртубийнинг «Тазкира»сидан

islom.uz материаллари асосида тайёрланди